

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
КОЛЛИЗИОН-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Мусаев Бекзод Турсунбоевич Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш	4
Musaev Bekzod Tursunboyevich Improving the collisional-legal regulation of labor relations in Uzbekistan	24
Мусаев Бекзод Турсунбоевич Совершенствование коллизивно-правового регулирования трудовых отношений в Узбекистане	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ БЕКЗОД ТУРСУНБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
КОЛЛИЗИОН-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Yu43 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме),) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рўзиев Рустам Жабборович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Саид Саидахарович
юридик фанлар доктори, профессор

Рустамбеков Иломбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 5 июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (842-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2018 йил 20 майда тарқатилди.
(2018 йил «20» майдаги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

У.А.Тухташева

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда меҳнат миграцияси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг 2016 йил 21 декабрдаги Халқаро миграция ва тараққиёт номли 71/237-сонли резолюциясида ушбу масала миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган. Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият томонидан барча давлатларда меҳнат миграция соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, меҳнаткаш мигрантларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш давр талаб эканлиги таъкидланмоқда. 2016 йилда жаҳон миқёсида 150 млн.га яқин меҳнат мигрантларини мавжудлиги, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 41 фоизга ошганлиги¹, сўнги йилларда ривожланган давлатлар, айниқса Европа давлатлари миграция муаммосини ҳал қилиш учун иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирлар кўраётганлиги ҳақидаги далиллар меҳнат миграцияси соҳасини ислоҳ қилиш, меҳнаткаш мигрантларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янада самарали механизмларни ишлаб чиқиш, миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда халқаро меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, меҳнат миграциясини оқилона ташкил қилиш, ушбу соҳага «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш ва меҳнат шартномаларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни самаралироқ механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамизда меҳнат муносабатлари, ходимларни манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, мазкур соҳа муайян даражада ривожлантирилди, хусусан, меҳнат муносабатлари ва бандликни давлат сиёсатидаги роли ҳамда аҳамиятини ошириш, меҳнат муносабатларини халқаро хусусий тартибга солувчи икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни тузиш, халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, ходимларни ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

¹ www.un.org, www.ilo.org

«Ҳозирда халқаро меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарининг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»² ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Меҳнат кодекси (1995), Фуқаролик кодекси (1996), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (1998), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (2016), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2014) ва «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги (1995) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий таҳлили, мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган давлат ҳуқуқини такомиллашувининг тарихий ва замонавий босқичлари, шунингдек бу борадаги халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибаси мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Ҳ.Р.Раҳмонкулов, Т.А.Умаров, Б.Б.Самархўжаев, В.Ё.Эргашев, Ю.Турсунов, С.Ҳамраев,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Г.А.Маткаримова, И.Б.Самиев, Н.Носырова, Л.П. Максакова, Х.Холикова ва бошқаларнинг илмий ишларида³ муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган ва у билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари М.Богуславский, М.В.Лушникова, Д.К.Бекяшев, И.Я.Киселев, Л.П.Ануфриева, Н.Л.Лютков, И.В.Шестерякова, Н.А.Хаустова (Россия), Dirk Vanheule, R.Blainpain (Белгия), M.Franzen (Голландия), W. Wengler, Th.Rauscher, A. Junker (Германия), G.Novelli (Италия), Jon Horgen Friberg (Норвегия), G.A.Johnston, G.J.Simson, M.Collyer, D. Bartram, L.Swepston (АҚШ), I.Szaszy (Венгрия), P. Davies, M. Freedland U.Grušić, Cheshire, North, F.Harrison, P.Nygh (Англия), Egawa Hidefumi (Япония)лар томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларининг тутган ўрни, уни турдош ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси, меҳнат миграциясининг маъмурий ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий хусусиятларига бағишланган бўлиб, халқаро меҳнат муносабатларига нисбатан коллизия нормалар, унинг тизими ва коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Ўзбекистон коллизия қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификациялаш муаммолари, ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва халқаро меҳнат ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқаро хусусий ҳуқуқ назариясини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро хусусий меҳнат муносабатлари тушунчаси, ҳуқуқий табиати, соҳавий тегишлилигини аниқлаш ҳамда унга тавсиф бериш;

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

халқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва тамойилларини аниқлаш ва уни қўллаш самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи колизион боғловчилар («*lex voluntatis*», «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*proper law*», «*lex loci contractus*», «*lex delegation*») тизимини аниқлаш ва уларни меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро хусусий меҳнат муносабатларига оид халқаро ҳужжатлар, Европа Иттифоқи ва айрим хорижий ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиб, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатлардаги ва чет эл фуқароларини Ўзбекистондаги меҳнат фаолияти ва уни коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизион-ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилиниши мумкинлиги асосланган;

меҳнатни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари агар халқаро шартномаларда бошқача ҳолат назарда тутилмаган тақдирда, Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари саналган иш берувчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши лозимлиги асослаб берилган;

халқаро хусусий меҳнат муносабатларида меҳнат шароитларини аниқлаш, ноқулай ишлаб чиқариш омиллари ва уларни ўрнатишга оид миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини унификациялаш ҳақидаги таклифлар асосланган;

фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси меҳнат

тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари татбиқ қилиниши шартлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига киритиш зарурлигига доир таклифлар ишлаб чиқилган;

чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда меҳнат қилишнинг янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

меҳнат миграцияси жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари янада такомиллаштирилиши, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат шартномасига қўйилган талаблар ва унинг ўзига хослиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда жойлашган дипломатик муассасалари ва ваколатхоналарига ишга юборилган ходимларнинг меҳнатини тартибга солишга қаратилган нормаларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига аниқ белгилаш тўғрисидаги таклифлар асосланган;

меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномани олишда давлат хизматларини кўрсатишнинг тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асосланган;

Ўзбекистонга ишлаш учун жалб қилинган юқори малакали хорижий фуқароларнинг меҳнатини ташкил қилишни янада соддалаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот халқаро хусусий меҳнат муносабатларини коллизия ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, меҳнат ва фуқаролик қонунларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, фуқаролик ва меҳнат қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, халқаро хусусий

хуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг татбиқ қилиш соҳасини аниқлаштириш, меҳнат муҳофазаси соҳасида давлатнинг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, чет эл фуқароларига меҳнат муҳофазасига оид нормаларни татбиқ қилиш ҳақидаги тақлифлар «Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 3, 4, 5, 21, 22, 33-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2016 йил 29 сентябрдаги 04/3-06-366-сон маълумотномаси). Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга, меҳнат муҳофазасига оид нормаларни татбиқ қилиш соҳасини аниқлашга, шунингдек, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади;

меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарининг асосий фаолият йўналишларини ўзида ифодаловчи «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишга оид тақлифлар қонун ижодкорлик фаолиятида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 30 сентябрдаги 06/1-05/1370-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз қонунчилигини халқаро стандартларга мослашувига ва фуқароларимизни чет эл мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий шароитларига интеграциялашувига хизмат қилади;

чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид ва бошқа шу соҳадаги тақлифлар қонун ижодкорлик фаолиятида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2016 йил 19 июлдаги 04/3-06-344-сон маълумотномаси). Тақлифларнинг амалга оширилиши чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат

ва ижтимоий ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга ва ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда ишга жойлаштиришга оид воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолиятини ташкил қилишга оид билдирилган таклифлардан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлигининг 2016 йил 27 июлдаги 02-09/2216-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалга оширилиши Ўзбекистонда рекрутинг хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 монография, 11 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Халқаро хусусий меҳнат муносабатларига умумий тавсиф»** деб номланган биринчи бобида халқаро хусусий меҳнат муносабатлари тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати, «халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқи» ва «халқаро меҳнат ҳуқуқи»нинг соҳавий тегишлилиги, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва тамойиллари таҳлил қилинган.

Халқаро хусусий меҳнат муносабатлари тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати, «чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари», «халқаро хусусий ҳуқуқий меҳнат муносабатлари» ва «халқаро меҳнат муносабатлари» каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, умумий ҳамда фарқли жиҳатлари,

шунингдек уларни миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда вужудга келиш тенденциялари мазкур боб доирасида очиб берилган. Халқаро хусусий меҳнат муносабатлари тушунчасига нисбатан хорижий эксперт ва олимлар (А.А. Рубанов, Ф.Ф. Мартенс, Ф. Харрисон, В.А. Канашевский, М.М. Богуславский, Л.П. Ануфриева, Д.К. Бекашев, Дж. Чешир, П. Норт, Н.Л. Лютов) ва миллий олимлар (Х-А. Раҳмонқулов, В.Ё. Эргашев, Ю. Турсунов) томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларининг тутган ўрни ва уни тартибга солишнинг хусусий ҳуқуқий механизмларининг мазмуни юзасидан аниқ нуқтаи назарлар ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида, халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларини ўрнини белгилаш ва уни тартибга солиш методларининг хусусияти масаласида тадқиқотчилар томонидан яқдил фикр шаклланмаганлиги ҳамда бир-бирига зид нуқтаи назарларнинг мавжудлиги асослаб берилган.

Шунингдек, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари хусусий ҳуқуқий характердаги муносабатлар эканлиги асослантирилиб, халқаро хусусий меҳнат муносабатлари ўз ҳуқуқий табиатига кўра тарафларнинг тенглиги, тарафларнинг мустақиллиги, тартибга солишнинг диспозитив хусусиятлари, вужудга келиши ва тугатилишининг шартномавий характери, шунингдек зарарни қоплаш ва бошқалар каби хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тамойиллар билан бирлашганлиги исботланган ҳолда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизион ҳуқуқий ва моддий-ҳуқуқий усулларида фойдаланилиши лозимлиги асослантирилган.

Диссертант халқаро хусусий меҳнат муносабатларининг халқаро ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатидаги қарашларнинг мазмунан таҳлил қилган ҳолда, халқаро меҳнат ҳуқуқи ўз «формал белгилари»га кўра халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида кўрилса, унинг хусусий ҳуқуқий жиҳати эътибордан четда қолишини алоҳида қайд этиб, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини халқаро ҳуқуқ билан узвий боғланганлиги қайд этилган.

Халқаро меҳнат муносабатлари соҳасидаги «юмшоқ ҳуқуқ» ва бу борадаги хорижий мутахассисларнинг (И.И. Лукашук, Р.Бланпайн, Н.Лютов) қарашлари таҳлил қилинган ҳолда халқаро меҳнат соҳасидаги барча тавсиявий характердаги ХМТ декларациялари ва тавсиялари, ХМК резолюциялари ва амалиёт кодексларини халқаро меҳнат муносабатлари соҳасидаги «юмшоқ ҳуқуқ» доирасига кириши асослантирилган ҳолда, келажакда меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишда айнан «юмшоқ ҳуқуқ» аҳамиятининг ортиши бўйича илмий прогнозлар илгари сурилган.

Диссертацияда халқаро хусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида эътироф этган ҳолда, халқаро хусусий меҳнат муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети доирасига кириши илмий жиҳатдан асослантирилган, ҳуқуқий муносабатларни хусусий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларга ажратишнинг аниқ чегараси аниқланиб,

ушбу муносабатларни тартибга солиш борасида қонун ҳужжатларида дифференцияланган нормаларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинган.

Диссертант халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этувчи қарашларни (Г. Куттинг, Г. фон Толли, И. Янулов, М. Генковский, Ж. Камерлинг, Ж. Лион-Кан) инкор қилган ҳолда, ушбу муносабатларни халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир кичик тармоғи сифатида тан олиш лозимлигини асослантирган.

Тадқиқотчи чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқий методларни тушуниш борасидаги олимларнинг (Л.А. Лунц, М.М. Богуславский, Ж. Сталев, С.Х. Петерсон, П. Ний, В.П. Звекон) ёндашувлари таҳлил қилган ҳолда, халқаро хусусий ҳуқуқий меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган методлар сифатида *моддий-ҳуқуқий ва коллизион усулларни* ажратиб кўрсатган ҳамда мазкур усуллар бир-бирини тўлдирди ва ўзаро ҳамкорликда ҳаракатланади, деган илмий хулосага келган.

Муаллиф халқаро хусусий меҳнат муносабатларига нисбатан энг узвий боғланган давлат ҳуқуқи коллизион тамойили (*«proper law»*)ни татбиқ қилиш шартлари ва уни аниқлашнинг комплекс омилларини ишлаб чиққан. Шунингдек, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан коллизион тамойиллардан фойдаланиш мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда, миллий меҳнат қонунчилигида ушбу турдаги муносабатларга нисбатан халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий тамойили – эрк мухторияти (*«lex voluntatis»*)ни татбиқ қилишнинг тартиби ва шартларини илмий жиҳатдан асослантирган.

Диссертациянинг **«Халқаро хусусий меҳнат муносабатларнинг тартибга солиш бўйича Европа Иттифоқи ва айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси»** деб номланган иккинчи бобида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини коллизион-ҳуқуқий тартибга солувчи Европа Иттифоқи қонунчилиги, континентал ва англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларнинг ушбу соҳадаги ижобий тажрибаси ва қонунчилиги нормалари миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Европа Иттифоқининг коллизион-ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий манбалари, хусусан «Шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақида»ги Рим конвенцияси, «Рим I» ва «Рим II» Регламентлари таҳлил қилинган ҳолда, Европа Иттифоқининг янги хусусий ҳуқуқий воситаларини қўллаш соҳалари бир-биридан ажратиб қўйилганлиги натижасида ушбу ҳуқуқий нормаларнинг айнан бир низога нисбатан бир вақтда татбиқ қилиниши ва улар нормалар рақобатига олиб келмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили натижасида меҳнат муносабатларига нисбатан *«lex voluntatis»*, *«lex loci laboris»*, *«lex fori»*, *«lex flag»*, *«the ordre public»*, *«lex causae»*, *«mandatory rules»* каби тамойил ва қоидаларни қўллашга оид миллий

конун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурияти асослантилган.

Ўтказилган тадқиқот доирасида айрим давлатлар (ГФР, Буюк британия, АҚШ, Франция) қонунчилигида сўнги йилларда чет эл фуқаролари томонидан меҳнат қилишга рухсатномалар олишга бўлган талабларни кучайтириш тенденцияси кузатилаётганлиги, бунга ички меҳнат бозорини тартибга солиш, ушбу давлатларда ишсизлик даражасини йилдан-йилга ортиб бораётганлиги асосий туртки бўлаётганлиги қад этилган.

Диссертант Швейцария, Бельгия, Финландия, ГФР, Италия, Франция, Япония, Люксембург, Австрия, Нидерландия, Испания, Панама, Польша, Лихтенштейн ва бошқа бир қатор давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқида меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизион нормалар алоҳида ажратиб таҳлил этилган ҳолда ушбу давлатлар қонунчилигида сўнги йилларда меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинадиган нормалар ўртасида рақобат юзага келган тақдирда иш ҳолати бўйича ёлланиб ишлаётган ходимга кўпроқ ижобий таъсир кўрсатадиган нормани татбиқ қилиш амалиёти кенгайиб бораётганлигини, халқаро хусусий меҳнат муносабатларига ҳуқуқий баҳо беришда ҳамиша ходимлар иш берувчиларга нисбатан кучсиз ижтимоий-иқтисодий ҳолатда эканлигини қайд этиб, ушбу муносабатларга давлатнинг аралашуви асосли эканлиги асослантилган ҳамда уларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Тадқиқотчи англо-саксон давлатлар қонунчилиги халқаро хусусий меҳнат муносабатларига ҳуқуқий баҳо беришда ҳамиша ходимларни иш берувчиларга нисбатан кучсиз ижтимоий-иқтисодий ҳолатда эканлигига урғу берилганлиги, ушбу давлатлар қонунчилиги тенденцияси ўз навбатида меҳнат шароитларини минимал даражаларини белгилаб бериши, уни бузган иш берувчиларга нисбатан маъмурий, жиноий ёки фуқаролик жавобгарликни белгиланганлиги, мазкур давлатларда меҳнат шартномаларга нисбатан эрк мухторияти тамойилини татбиқ қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган. Шунингдек, диссертант томонидан жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ҳуқуқларини жамоавий ҳимоялашга оид нормаларни давлатларнинг миллий меҳнат қонунчилигида ўрнатиш йўли билан ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги воситаларини жорий қилиш тенденцияси кузатилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини коллизион-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида халқаро хусусий меҳнат муносабатларига татбиқ қилинувчи коллизион норма тушунчаси, унинг мазмунини аниқлаш муаммолари, Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатлардаги чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги меҳнат фаолияти ва уни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормаларнинг тушунчаси ва турларига оид мутахассисларни (Х.Кох, У.Магнус, Винклер фон Моренфельс, И.В.Гетьман-Павлова, Бюре Хагленд, Р. Бланпайн) қарашлари таҳлил қилинган ҳолда, халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормаларнинг ҳуқуқий табиатини очиқ берилган ҳамда «*lex loci laboris*», «*lex banderae*», «*lex voluntatis*», «*proper law*», «*lex patriae*», «*lex nationalis*», «*lex loci contractus*» каби меҳнат соҳасидаги коллизия нормаларнинг мазмуни ва уларни татбиқ қилишга оид қонунчилик таклифлари ишлаб чиқилган.

Диссертант ташқи меҳнат миграцияси оқимининг кучаётганлиги, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви ва мазкур жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ҳисобга олган ҳолда *Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб*, уни қабул қилиш таклифини илгари сурган. Шунингдек, хорижий давлатларда меҳнат қилаётган фуқаролар ва Ўзбекистон меҳнат фаолиятини олиб бораётган чет эл фуқароларини статистик кўрсаткичларини юритишнинг бугунги аҳволи талаб даражасида эмаслиги асослантирилган ҳолда Ўзбекистон бўйича ва минтақалар бўйича ягона ҳисоблаб чиқиш тизимини жорий қилиш таклифи асослантирилган.

Диссертант томонидан меҳнат миграцияси соҳасида 2018-2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш таклиф қилинган:

ривожланган давлатлар меҳнат бозорини мониторинг қилиш асосида барқарор иш ўринлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва юритиш;

меҳнат мигрантларига талаб мавжуд бўлган давлатлар билан узоқ ва ўрта муддатли тегишли битимлар тузиш;

тегишли тартиб-таомилларни қисқартириш ва соддалаштириш;

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консуллик хизматларининг хорижда ишлаётган фуқароларимиз билан доимий алоқада бўлишининг замонавий шакллари жорий этиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат фаолияти амалга ошириладиган давлатнинг ҳуқуқи белгиланиши, ходим бир нечта давлатлар ҳудудларида ишни бажарса қандай коллизия нормани қўллаш борасида қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги асосланган. Ушбу бўшлиқларни бартараф қилиш учун амалдаги қонун ҳужжатларимизга кўшимча равишда меҳнат шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш имконияти бўлмаган тақдирда, ушбу меҳнат шартномасига нисбатан қўлланиладиган коллизия тамойиллар тизимини белгилаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига халқаро меҳнат муносабатларига нисбатан шартнома тузиш вақтида ёки ундан кейин қўлланиладиган давлат ҳуқуқини танлаш мумкинлигини назарда тутувчи эрк мухторияти «*lex voluntatis*» тамойилини чекланган тарзда, яъни тарафлар

томонидан танланган давлатнинг ҳуқуқи, агар меҳнат шартномасида ҳуқуқ танланмаган тақдирда қўлланиладиган давлатнинг императив нормалари билан ўрнатилган ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини чекламаган ёки ёмонлаштирмаган тақдирда қўлланилади, деган шарт билан татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ деган таклиф илгари сурилган.

Муаллиф томонидан чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини (индивидуал ва жамоавий) коллизия тартибга солиш муаммосини ҳал қилиш йўли сифатида коллизия нормаларни *«in favorem»* тамойили билан бирга татбиқ қилинишини жорий қилиш меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий табиатига жавоб берувчи энг тўғри ва мақсадга мувофиқ ечим ҳисобланади, деган назарий хулоса илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қуйидаги ҳуқуқий масалаларни белгилаб бермаган: Биринчи, иш берувчининг шахсий қонуни қайси давлатга тааллуқлиги масаласи; Иккинчи, меҳнат шартномасида тарафларнинг эрк мухториятини қўллаш имконияти; Учинчи, Ўзбекистон ҳудудига консуллик ва бошқа дипломатик вазифаларни бажариш учун келган чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари; Тўртинчи, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган коллизия тамойиллар; Бешинчи, чет эл фуқаролари саналган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, ижтимоий таъминоти ва меҳнат муҳофазаси қайси давлат ҳуқуқига асосан ҳал қилиниш масаласи. Олтинчи, чет эл фуқаролари саналган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, ижтимоий таъминоти ва меҳнат муҳофазаси.

Муаллиф мазкур бўшлиқларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 11-моддасини, 72-моддаси 1-қисмини янги таҳрирда баён қилиш, шунингдек Меҳнат кодексини *«Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини меҳнат муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш»* деб номланган XVI¹ боб билан тўлдириш заруратини асослантирган.

Ушбу боб халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини меҳнат муносабатларига татбиқ қилишнинг умумий қоидалари, халқаро хусусий меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни аниқлаш, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳуқуқни танлаш, меҳнат шартномасига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни амал қилиш доираси каби янги нормаларни ўз ичига олиши зарурлиги асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида чет эл фуқароларини ҳуқуқий мақомини белгилаш, чет эл фуқароларининг меҳнатига нисбатан қўлланиладиган коллизия нормаларнинг бугунги кундаги ҳолати талабга жавоб бермаслиги таҳлил қилинган. Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини коллизия ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига бўшлиқларнинг мавжудлиги исботланган ҳолда, ушбу бўшлиқларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига *«Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги*

бўлмаган шахслар иштирокидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш» деб номланган параграф ишлаб чиқилиб, уни қабул қилиш таклиф этилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда жойлашган дипломатик муассасалари ва ваколатхоналаридаги меҳнат фаолияти, уни хизмат сафарига, стажировкага юбориш натижасида юзага келувчи меҳнат муносабатларидан ўзаро фарқли жиҳатлари, уларни тартибга солинишнинг тартиб-таомилларини таҳлил қилган ҳолда ходимни чет элга ишга юборган муассаса мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқи билан коллизия боғланишни аниқлашга қаратилган *«Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда жойлашган дипломатик муассасалари ва ваколатхоналарига ишга юборилган ходимларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш»* деб номланган янги параграфни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига киритишни таклиф этган.

Бугунги кунда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга чет эллик ходимларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлиги қайд этилган:

Биринчи, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қўлланиладиган коллизия нормаларни қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги;

Иккинчи, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида уларга бериладиган меҳнат қилиш ҳуқуқи тасдиқномасини олишдаги қийинчиликлар, ишга қабул қилаётган тадбиркор ва чет эллик ходимга қўйилган бюрократик талаблар, соҳани электронлашмаганлиги, тўланадиган давлат божи масалалари, шунингдек чет эллик ходимга бериладиган рухсатномани муддатининг 1 йилгача берилиши ва уни узайтиришдаги муаммолар;

Учинчи, чет эллик ходим ва унинг оила аъзоларига бериладиган виза ва уни узайтиришдаги муаммолар;

Тўртинчи, акциядорлик жамиятларига улуш қўшган ёки бошқариш учун жалб қилинган ходимларга меҳнат рухсатнома олиш муддатларини қисқалиги;

Бешинчи, чет эллик ходимларни солиққа тортиш масалалари ва уларга берилган имтиёزلарни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллашдаги ноаниқликлар.

Тадқиқотда Ўзбекистонда чет эллик инвесторларга янада қулайлик яратиш, уларни эркин иқтисодий зоналар ва чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш заруратини кўрсатган ҳолда, «Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти» деб номланган 12-моддасининг 9-қисмини янги таҳрирда баён қилиш ва уни 10-қисм билан тўлдириш, 14-моддасини 3-қисмини янги таҳрирда баён қилиш таклифи асослантирилган.

Бундан ташқари, муаллиф томонидан чет эллик инвесторлар ва тадбиркорлар томонидан юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича тартиб-таомилларни янада соддалаштириш мақсадида Ўзбекистонга кўп инвестицияларни киритаётган давлатларни аниқлаб, уларни инвесторларига соддалаштирилган тартибда чет эл фуқароларини ишга қабул қилишга рухсат бериш, Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат бериладиган соҳалар ёки мутахассисликлар рўйхатини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари марказлари ва Агентлик ўртасида электрон тизимни жорий қилиш заруратини асослаб берган.

Тадқиқотчи Ўзбекистонда чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш шакллари ва уларни расмийлаштириш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилган ҳолда, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиққан.

Халқаро меҳнат муносабатларида бугунги кунда ривожланиб бораётган янги ҳуқуқий механизмлардан бири бу фуқароларининг чет элларда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи воситачилик фаолияти ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда бандликка кўмаклашувчи хусусий воситачилик хизматлари фаолияти ҳуқуқий тартибга солинмаган. Бу борадаги фаолиятга бўлган талабни юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур фаолият билан шуғулланишга аниқ талабларни кўйган ҳолда, давлат томонидан лицензияланувчи фаолият сифатида рухсат бериш учун бугунги кунда барча ҳуқуқий ва институтчионал шароитлар мавжуд.

Шу нуқтаи назардан муаллиф норасмий равишда фуқароларни хорижга ишга йўллаш билан машғул бўлган шахсларнинг фаолиятига, ноқонуний меҳнат миграциясининг авж олишига, одамлар ҳуқуқларининг поймол этилишини олдини олиш ва ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш борасидаги давлат монополиясини чеклаш мақсадида дастлабки даврларда давлатнинг қаттиқ назорати остида, лицензиялаш тартибида хусусий ишга жойлаштириш бўйича рекрутинг хизматларни йўлга қўйишни назарда тутувчи *«Ўзбекистон Республикасининг Рекрутинг фаолияти тўғрисида»*ги қонунини қабул қилиш заруратини асослантирган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат фаолиятида меҳнат муҳофазасини таъминлашда тенг имкониятлар яратиш, ушбу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масаласида бугунги кунда янги ёндашувни ишлаб чиқиш зарурлигини инобатга олган ҳолда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида меҳнат қилувчи жисмоний шахсларга нисбатан меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликни татбиқ қилиш ёки қилинмаслиги масаласини ҳал қилишга, шунингдек чет эл фуқароларини ишга қабул қилишда ва бошқа ишга ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари ҳамда ҳуқуқларига оид нормаларни киритиш таклифини асослантирган.

ХУЛОСА

